

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ  
МИЛЛИЙ БАНКИ ТАЪСИСЧИЛАР ЙИҒИЛИШИНинг**  
**1 – сонли баёни**

**Тошкент шаҳри**

**2019 йил “25” декабрь**

Йиғилиш ўтиш жойи: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси, 29-йй.

Йиғилиш бошланган вақт: 9:30

Йиғилиши раислик қилувчи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг биринчи ўринbosари Ишметов Тимур Аминджанович очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” унитар корхонасини акциядорлик жамияти шаклида қайта ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 30 ноябрдаги ПҚ-4540-сонли қарорига асосан:

унитар корхона шаклидаги “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки”ни “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти шаклида қайта ташкил этилиши;

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти акциядори бўлиб давлат ҳисобланиши ҳамда давлат томонидан берилган ваколат доирасида акциядор сифатида Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси иштирок этиши;

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг устав капиталини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси этиб белгиланганлиги қайд этилди.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Конунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” унитар корхонасини акциядорлик жамияти шаклида қайта ташкил этиш

чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 30 ноябрдаги ПҚ-4540-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг таъсисчилар йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Молия вазирининг биринчи ўринбосари Ишметов Тимур Аминджанович Йиғилишга раислик қилди. У йиғилишини очик деб эълон қилиб, йиғилишда Банкнинг таъсисчилари, уларнинг вакиллари ҳамда Банкнинг масъул ходимлари иштирок этаётганлиги тўғрисида хабар берди.

Шундан сўнг, раислик қилувчи йиғилиш баённомасини юритиш учун котиб этиб Б.М. Юсуповни сайлашни таклиф этди.

Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

### **Бир овоздан қабул қилинган ва эълон қилинган Қарор:**

Йиғилиш котиби этиб Б. Юсупов тасдиқлансан.

Раислик қилувчи таъсисчилар йиғилишини ўтказиш регламентини ўқиб эшиттири ва уни тасдиқлашни таклиф этди. Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

### **Бир овоздан қабул қилинган ва эълон қилинган Қарор:**

Йиғилиш регламенти тасдиқлансан.

Йиғилишнинг иш тартиби қуидагича белгилаб олинди. Кун тартибига киритилган масалалар бўйича ҳисбот ва ахборот бериш, музокараларда сўзга чиқиш, овоз бериш учун қуидаги регламент ўрнатилди:

Банк таъсисчилари, Кенгаши ва Бошқарув аъзолари маъruzalari бўйича – 10 дақиқагача, маъruzalар бўйича муҳокамалар учун – 7 дақиқагача, кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш учун – 7 дақиқагача.

Кун тартибига киритилган масалалар бўйича овоз бериш тартиби ҳам белгилаб олинди.

Йиғилишда раислик қилувчи Йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

### **КУН ТАРТИБИ:**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 ноябрдаги ПҚ-4540-сонли қароридан келиб чиқиб, банк таъсисчиларини белгилаш ҳамда банкнинг ташкилий- хуқуқий шаклини ўзgartiriш.

**2.** “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг Уставини тасдиқлаш.

**3.** Акциялар ҳақини тўлаш тартиби ҳамда чиқариладиган акциялар турлари ва сонини белгилаш.

**4.** Акцияларни бирламчи чиқарилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилиш ва тасдиқлаш.

**5.** Эълон қилинган акцияларнинг энг кўп микдорини белгилаш.

**6.** Банк Кузатув кенгаши аъзоларини тайинлаш.

**7.** Банк Тафтиш комиссияси аъзоларини тайинлаш.

**8.** Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

**9.** Банкнинг ички Низомларини тасдиқлаш:

1. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом.

2. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом.

3. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти ижроия органи (бошқаруви) тўғрисида Низом.

4. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг тафтиш комиссияси тўғрисида Низом.

5. “Корпоратив бошқарув” Кодексини тасдиқлаш.

**10.** Банк Бошқарув аъзоларини тайинлаш.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан йиғилишга раислик қилувчи батафсил тўхталиб ўтди ва тегишли тушунтиришларни берди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” унитар корхонасини акциядорлик жамияти шаклида қайта ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 30 ноябрдаги ПҚ-4540-сонли қарори ижросини таъминлаш, мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки таъсисчиларининг йиғилиши

## **ҚАРОР ҚИЛДИ:**

**1. Кун тартибидаги 1-масала юзасидан “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” унитар корхонаси ташкилий-хуқуқий шакли ўзгарганлиги муносабати билан унинг номи қўйидагича белгиланди деб таъкидлаб ўтилди:**

- давлат тилида (кирилл алифбосида): тўлиқ – “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти, қисқартирилгани –“Ўзмиллийбанк”;

- давлат тилида (лотин алифбосида): тўлиқ – “O‘zbekiston Respublikasi Tashqi iqtisodiy faoliyat milliy banki” aksiyadorlik jamiyatı, қисқартирилгани –“O‘zmilliybank”;

рус тилида: тўлиқ – акционерное общество “Национальный банк внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан”, қисқартирилгани –“Узнацбанк”;

инглиз тилида: тўлиқ – Joint-stock company “National Bank for Foreign Economic Activity of the Republic of Uzbekistan”, қисқартирилгани - NBU.

Шунингдек, давлат номидан Банкнинг таъсисчилари этиб, Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармаси белгиланганлиги маълум қилинди.

### **Муҳокама қилинди.**

#### **Муҳокамадан сўнг қуидаги қарор матни овозга қўйилди:**

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” унитар корхонаси ташкилий-хуқуқий шакли ўзгарганлиги муносабати билан унинг номи қуидагича белгилансин:

- давлат тилида (кирилл алифбосида): тўлиқ – “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти, қисқартирилгани –“Ўзмиллийбанк” АЖ;

- давлат тилида (лотин алифбосида): тўлиқ – “O‘zbekiston Respublikasi Tashqi iqtisodiy faoliyat milliy banki” aksiaydorlik jamiyatı, қисқартирилгани –“O‘zmilliybank” AJ;

- рус тилида: тўлиқ – акционерное общество “Национальный банк внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан”, қисқартирилгани –АО “Узнацбанк”;

- инглиз тилида: тўлиқ – Joint-stock company “National Bank for Foreign Economic Activity of the Republic of Uzbekistan”, қисқартирилгани - NBU.

### **Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:**

Бир овоздан қабул қилинди.

**2. Кун тартибидаги 2-масала юзасидан Йиғилиш котиби Б. Юсупов** “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг Устави атрофлича қўриб чиқилганлигини маълум қилди. Мазкур масала тасдиқлаш учун ҳавола қилинмоқда.

**Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:**

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг Устави мувофиқ тасдиқлансан.

Банк Бошкаруви томонидан Банк Устави белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатдан ўтказилиши таъминлансан.

**Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:**

Бир овоздан қабул қилинди.

**3. Кун тартибидаги 3-масала юзасидан** акциялар ҳақини тўлаш тартиби қўйидагича, Банкнинг амалдаги шакллантирилган устав капиталидаги маблағлар иштирокчилар улушкига мутаносиб равишда ҳамда қўшимча киритиладиган маблағлар йўналтирилишини ҳисобга олган ҳолда, яъни қўйидаги тартибда белгилашни тавсия этди.

Молия вазирлиги – 4 807 929 061 дона номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган, эгасининг номи ёзилган 4 807 929 061 000 сўмлик оддий акциялар, шундан 3 885 779 652 458,02 сўмлик қисми илгари шакллантирилган устав капитали ҳисобига, 922 149 408 541,98 сўмлик ўтган йиларнинг тақсимланмаган фойдаси ва акцияларга обуна бадалларини тулаш бўйича депозит ҳисобига шакллантирилади;

Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг – 6 774 771 140 дона номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган, эгасининг номи ёзилган 6 774 771 140 000 сўмлик оддий акциялар, шундан 435 190 733 846,49 сўмлик қисми илгари шакллантирилган устав капитали ҳисобига шакллантирилади.

Мазкур масала тасдиқлаш учун ҳавола қилинмоқда.

**Муҳокама қилинди.**

**Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:**

Акциялар ҳақини тўлаш тартиби қўйидагича белгилансин. Банкнинг амалдаги шакллантирилган устав капиталидаги маблағлар иштирокчилари улушкига мутаносиб равишда ҳамда қўшимча киритиладиган маблағлар йўналтирилиши ҳисобига, яъни қўйидаги тартибда маъқуллансан:

Молия вазирлиги – 4 807 929 061 дона номинал қиймати 1 000 (бир минг) сүм бўлган, эгасининг номи ёзилган 4 807 929 061 000 сўмлик оддий акциялар, шундан 3 885 779 652 458,02 сўмлик қисми илгари шакллантирилган устав капитали ҳисобига, 922 149 408 541,98 сўмлик қисми ўтган йиларнинг тақсимланмаган фойдаси ва акцияларга обуна бадалларини тулаш бўйича депозит ҳисобига шакллантирилади;

Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг – 6 774 771 140 дона номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган, эгасининг номи ёзилган 6 774 771 140 000 сўмлик оддий акциялар, шундан 435 190 733 846,49 сўмлик қисми илгари шакллантирилган устав капитали ҳисобига шакллантирилади.

**Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:**

Бир овоздан қабул қилинди.

**4. Кун тартибидаги 4-масала юзасидан** номинал қиймати 1 000 сўм (бир минг) бўлган 11 582 700 201 дона оддий акцияларни бирламчи чиқарилиши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

**Муҳокама қилинди.**

**Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:**

Номинал қиймати 1000 (минг) сўм бўлган 11 582 700 201 дона оддий акцияларнинг бирламчи чиқарилиши тўғрисидаги қарор маъқуллансин ва эмиссия рисоласи давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли орган томонидан тасдиқлансан.

**Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:**

Бир овоздан қабул қилинди.

**5. Кун тартибидаги 5-масала юзасидан**

Йиғилишга раислик қилувчи Банкнинг қўшимча эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдори қўйидагича белгиланишини тавсия этди. Қўшимча эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдори 1 000 000 000 (бир миллиард) дона, эгасининг номи ёзилган номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган оддий акциялардан иборат. Мазкур масала таъсисчиларнинг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун ҳавола қилинмоқда.

**Муҳокама қилинди.**

**Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:**

Банкнинг қўшимча эълон қилинган акцияларининг энг кўп миқдори қўйидагича белгилансин. Қўшимча эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдори 1 000 000 000 (бир миллиард) дона, эгасининг номи ёзилган номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган оддий акциялардан иборат.

**Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:**

Бир овоздан қабул қилинди.

**6. Кун тартибидаги 6-масала юзасидан** йиғилишга раислик қилувчи банкнинг Кузатув Кенгаши аъзоларини 1-иловага мувофиқ сайлашни таклиф этди ҳамда ушбу номзодлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилганлиги қайд этилди.

**Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:**

Бир овоздан қабул қилинди.

**7. Кун тартибидаги 7-масала юзасидан** йиғилишга раислик қилувчи Тафтиш комиссияси аъзолигига тақдим этилган номзодлар сайланиши тўғрисида маълум қилди.

Мазкур масала тасдиқлаш учун ҳавола қилинмоқда.

**Муҳокама қилинди.**

Тафтиш комиссияси аъзолари 2-иловада келтирилган таркибда сайлансин.

**Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:**

Бир овоздан қабул қилинди.

**8. Кун тартибидаги 8-масала юзасидан** йиғилишга раислик қилувчи Банкнинг ташкилий тузилмаси тасдиқлаш учун тавсия этилганлигини маълум қилди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

Банкнинг ташкилий тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:**

Бир овоздан қабул қилинди.

**9. Кун тартибидаги 9-масала юзасидан** қуидаги масалаларни кўзда тутувчи ички Низомларни тасдиқлашни таклиф этди:

1. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом;
2. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом;
3. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти ижроия органи (бошқаруви) тўғрисида Низом;
4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг тафтиш комиссияси тўғрисида Низом
5. “Корпоратив бошқарув” Кодекси.

**Муҳокама қилинди.**

**Муҳокамадан сўнг қуидаги қарор матни овозга қўйилди:**

Қуидаги Низомлар ва Кодекс иловаларга мувофиқ тасдиқлансин:

1. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом 4-иловага мувофиқ.
2. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом 5-иловага мувофиқ.
3. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти ижроия органи (бошқаруви) тўғрисида Низом 6-иловага.
4. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг тафтиш комиссияси тўғрисида Низом 7-иловага.
5. “Корпоратив бошқарув Кодекси” 8-иловага мувофиқ.

**Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:**

Бир овоздан қабул қилинди.

**10. Кун тартибидаги 10-масала юзасидан** йиғилишга раислик қилувчи сўзга чиқиб, Ўзмиллийбанк Бошқарув Раиси ва унинг ўринбосарлари номзодлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилганлиги (2019 йил 16 декабрдаги 24/1-3979 – сонли) қайд этди ва улар билан меҳнат шартномасини бир йил муддатга кайта тузиш таклиф этилди. Шунингдек, Банк бошқаруви аъзоларининг қолган аъзолари банкнинг департамент директорлари таркибидан тайинланиши қайд этилди.

**Мұхокама қилинди.**

**Мұхокамадан сұнг қуидаги қарор матни овозга қўйилди:**

Банк Бошқаруви аъзолари 9-иловага мувофиқ тайинланиши маъқуллансин. Бошқарув Раиси ва унинг ўринбосарлари билан меҳнат шартномаси ўрнатилган тартибда бир йил муддатга қайта тузилсин.

**Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:**

Бир овоздан қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Молия вазирининг биринчи ўринбосари**

**Т.А. Ишметов**

**Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва**  
**тараққиёт жамғармаси ижрочи директори**

**Ш.А. Вафаев**

**Йиғилиш котиби**

**Б.М. Юсупов**